



2019 йил 20 июль

№ 279/5-42

Термиз шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг  
“Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик  
кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги 2019 йил 15 февралдаги  
КҚ-507-III сонли қарорининг ижроси тўғрисида**

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси А.А.Ахмедовнинг 2019 йилнинг май ойида ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови якунлари тўғрисидаги ахборотини эшитиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши мазкур сайловнинг юқори савияда ўтганлигини қайд этди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2019 йил 19 февралдаги “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги 231/5-36-сонли қарори, мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирлар режаси сайловни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайловга оид қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ташкил этиш ҳамда ўтказишга хизмат қилди.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари сайлов жараёнининг барча босқичларида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирларни самарали тарзда мувофиқлаштириб борди.

Тузилган ишчи гуруҳ ҳар бир фуқаролар йиғинида сайловни намунали ташкил этиш ва ўтказиш бунда биринчи навбатда фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, вилоят телевидениесида сайлов жараёнлари тўғрисида 20 дан ортиқ кўрсатувлар, Ўзбекистон-24 телеканалида 10 дан ортиқ тадбирлар ва сайлов жараёнлари намойиш этилди. Газета, радио ва интернет сайтлари орқали 150 дан ортиқ мақолалар ва эшиттиришлар ташкил қилинди.

Вилоят комиссияси, ҳудудий комиссиялар ҳамда бошқа тизимлар ҳамкорлигида сайлов ташкилотчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари учун сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини тушунтириш, сайлов жараёнини ёритиш каби масалаларга бағишланган қатор тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди.

Фуқаролар йиғинлари раислигига фаол, ташаббускор, ташкилотчилик қобилиятига эга, давлат органларида нодавлат ноижорат ташкилотларида,

тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида малакаси етарли, шунингдек ҳаётий тажрибага ҳамда аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган номзодлар кўрсатилишини таъминлашга эътибор қаратилди ва 1937 нафари (71,0 %), (бир ўринга ўрта ҳисобда 2,7 та) номзод кўрсатилди.

Вилоятимизда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 1 млн. 509 минг нафардан зиёд фуқародан 148 минг 750 нафари сайловда бевосита қатнашиб, овоз берди.

Натижада ошкоралик, муқобиллик ва тенглик принциплари асосида ўтказилган сайловда 718 нафар фуқаролар йиғини раиси сайланди. Уларнинг 353 нафари ёки 50,0 фоизи ушбу лавозимларга биринчи марта сайланган.

Раисликка сайланганларнинг 50,0 фоизи олий, 45 фоизи ўрта махсус, 5 фоизи ўрта маълумотга эга. Уларнинг 8,0 фоизи хотин-қизларни ташкил этди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, маҳалла институтининг фаолиятини янада ривожлантириш, унинг жамиятдаги нуфузини ошириш мақсадида ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари вилоят Кенгаши, **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясининг 2019 йил май ойида ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови якунлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловининг якунларини танқидий таҳлил қилсин, уларнинг бартараф этилишини таъминлаб, халқ депутатлари вилоят Кенгашига 2019 йил 1 сентябрга қадар ахборот тақдим этсин.

3. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси аъзолари:

фуқаролар йиғинлари раисининг (оқсоқолининг) ваколат муддатидан илгари тугатилган ҳолларда, ўзларига бириктирилган ҳудудларга чиқиб бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилишини ташкил этсин;

амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чоракда вилоят комиссиясига ахборот киритиб борсин.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари (Р.Авазов):

бир ҳафта муддатда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фуқаролар йиғини органларининг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

маҳаллаларнинг халқ қабулхоналари ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ташкил этилган секторлар билан узвий ҳамкорлигини таъминласин;

янги сайланган фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида олимлар, мутахассислар, тажрибали оқсоқоллар, молия, солиқ идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институти вакилларини фаол жалб этган ҳолда тегишли дастурлар асосида ўқув машғулотлари (семинар-тренинглар шаклида) ўтказсин.

5. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг навбатдаги сессиясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) Кенгашлар билан ҳамкорликда:

уч кун муддатда сайлов яқунларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказишни таъминлаш;

бир ҳафта муддатда сайлов яқунларини танқидий таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчиликларнинг келгусида такрорланмаслик чораларини кўришга, фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга ҳамда уларнинг нуфузини оширишга қаратилган чоратadbирлар дастурини ишлаб чиқиш, сессияларда тасдиқлаш ва бажарилиши устидан депутатлик назоратини йўлга қўйиш тавсия этилсин.

6. Сурхондарё вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси (Ш.Аликулов), Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси (Б.Мингбоев), фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари (Р.Авазов):

маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада оширишга қаратилган тарғибот тadbирларини амалга ошириш тавсия этилсин.

7. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши ушбу қарорнинг ижро этилиши ҳақидаги ахборотни халқ депутатлари вилоят Кенгашига 2019 йилнинг 1 октябрга қадар тақдим этсин.

8. Ушбу қарорнинг ижро этилишини назорат қилиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Р.Авазов ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси (Ф.Шарипов) зиммаларига юклатилсин.

9. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси



А.Артиков

Сурхондарё вилояти ҳоқими девони ҳужжатларини  
рўйхатга олиш ва жўнатиш  
ВАРАҚАСИ

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг 2019 йил 20 июлдаги  
279/5-42-сонли қарори  
(ҳужжатнинг номи)

Ҳужжатнинг тартиб рақами


1 279/5-42

20 июль 2019 й.

ЖўНАТИШ РЎЙХАТИ

№	Ҳужжатни ижро этиш учун юборилаётган ташкилот, корхона, муассасалар номи	Нусха сони	Ҳужжатни олди (ФИШ)	Ҳужжат жўнатилди	Ҳужжатни олганлиги тўғрисида имзо
1.	Термиз шаҳар ва туманлар ҳоқимликлари	14		<i>СШ</i>	
2.	Вилоят ҳоқимлигининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича мажмуаси	1		<i>СШ</i>	
3.	Вилоят ҳоқимлигининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича мажмуаси	1		<i>СШ</i>	
4.	Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилояти бўлими	1		<i>СШ</i>	
5.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят Кенгаши	1		<i>СШ</i>	
6.	Сурхондарё вилоят телерадиокомпанияси	1		<i>СШ</i>	
7.	Сурхондарё вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси	1		<i>СШ</i>	
8.	“Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари бирлашган тахририяти	1		<i>СШ</i>	
<b>Жами</b>		<b>21</b>			

Ҳужжатни жўнатишга тайёрлади



Ш.Хидиров

Тел: 224-10-88